Касаллик юқиши, қушлар билан шумланиш йўқ! Фаъл эса, мени ажаблантиради», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, фаъл нима?», дейилди. «Яхши сўз», дедилар

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касаллик юқиши, қушлар билан шумланиш йўқ! Фаъл эса, мени ажаблантиради», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, фаъл нима?», дейилди. «Яхши сўз», дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жоҳилият аҳли эътиқод қилгани каби касаллик Аллоҳнинг тақдирисиз, ўзи ўтиши ҳамда қушлар, ҳайвонлар, касаллик эгалари, рақамлар, кунлар ёки шу каби нарсаларни кўрганда ёки эшитганда шумланиш ботил эканини хабар бердилар. Бу ҳадисда қушни зикр қилганларининг сабаби, жоҳилият вақтида машҳур эди. Кўриниши қуйидагича: Агар бир ишни, масалан тижоратни бошламоқчи бўлса ёки сафарга чиқмоқчи бўлса, қуш учиради. Агар ўнг томонга учса, яхшилик аломати деб ҳисоблаб, ишида давом этади. Агар чап томонга учса, шумланади ва ишини тўхтатади. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фаъл уларни ажаблантиришини хабар бердилар. Фаъл - инсон қалбига хурсандчилик олиб кирадиган ва Раббига бўлган гумонини яхшилайдиган сўздир.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3422